Вилоят ҳокимининг
2018 йил “26” январдаги
57-Қ-сонли қарорига
1-илова

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид**

**ҲУДУДИЙ ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | |
| **1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш** | | | | | | |
| 1. | Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 июнь | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, Самарқанд давлат университети | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар талабларидан келиб чиқиб унификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилади. |
| 2. | Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш борасидаги фаолиятини кучайтириш. | 2018 йил 24 февраль | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалий чора-тадбирларга таклиф бериш.<br>Бунда:<br>Ўзбекистон Республикаси Олий |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вилоят Кенгаши, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари (келишув асосида) | | | Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси фаолиятини доимий асосда ташкил этиш;<br>Комиссиянинг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, шу жумладан унинг Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш;<br>халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини намунали асосда йўлга қўйишга кўмаклашиш, бунда улар фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда ҳудудлардаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, бюджет ижросини тўлиқ таъминлаш, жиноятчиликни камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш каби мезонларга асосланиш назарда тутилади. |
| 3. | Мамлакат сиёсий саҳнасида соғлом рақобатни таъминлаш. | 2018 йил 1 июль | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари учун белгиланган квотани бекор қилиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бўлими | | | |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг жазони ижро этиш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш. | 2018 йил 20 апрель | Омбудсман вилоят минтақавий вакили, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Вилоят прокуратураси, Адлия бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг қамоқда сақланаётган ва жазони ўташ жойларида бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини мониторинг қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш назарда тутилади. |
| **1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш** | | | | | | |
| 5. | «Давлат хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш. | 2018 йил 20 июнь | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, вилоят Адлия бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бошқармаси, Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси, вилоят прокуратураси | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Таклифда давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, моддий ва ижтимоий таъминоти, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан бўшаш тартиби белгиланади. |
| 6. | Туман (шаҳар)лардаги Давлат хизматлари марказлари – “Халқ қабулхоналари”нинг | 2018 йил 1 февраль | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Давлат хизматлари | - | Давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилинган маблағлар, маҳаллий | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар тайёрлаш.<br>Лойиҳа билан тасдиқланадиган 2018-2020 йилларга мўлжалланган |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | замонавий биноларини қуриш ва моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашга таклиф бериш. | | агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, Адлия бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | | бюджет маблағлари | чора-тадбирлар дастурига таклифлар тайёрлаш.<br>Дастурда давлат-хусусий шериклик шартларида тасдиқланган намунавий лойиҳаларга асосан туман ва шаҳарларда Давлат хизматлари марказлари - Халқ қабулхоналарининг янги бинолари қурилади. Бунда она ва бола хоналари, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит, автомобиль тўхташ жойлари, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчакларини ташкил этиш бўйича таклиф берилади. |
| 7. | Инновацион техно-логияларни қўллаш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифати, тезкорлиги, очиқлигини таъминлаш, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш. | 2018 йил 1 март | Ш.Худайбердиев Вилот ҳокимининг биринчи ўринбосари, Б.Сайдалиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти мудири, Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси, | - | Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига ҳамда лойиҳа билан тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастурига таклифлар тайёрлаш.<br>Таклифда:<br>давлат хизматлари марказларини инфокиосклар билан таъминлаш, уларда электрон навбат тизими ва масофадан туриб видеокузатув тизимини жорий этишни;<br>давлат хизматларини алоқа воситаларидаги мобил иловалар орқали кўрсатиш имкониятини яратиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали воситаларини амалга киритишни;<br>олис ҳудудларда яшовчи аҳолига мобиль давлат хизматлари марказлари |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Адлия бошқармаси, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | | | (махсус автотранспорт воситалари) орқали давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини жорий этишни назарда тутиш. |
| 8. | Халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш. | 2018 йил 20 апрель | А.Курахмедов, Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Адлия бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада:<br>ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатида мақомини бекор қилиш ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузиш;<br>халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш;<br>тегишли ваколатларни ҳокимларга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш;<br>маҳаллий вакиллик органларининг назорат борасидаги ваколатларини ёритиш назарда тутилади. |
| 9. | Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш | 2018 йил 1 октябрь | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Таклифда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тартибини соддалаштириш мақсадида **«Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | гуруҳи раҳбари, Вилоят Адлия бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, вилоят Статистика бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси | | | тижоратчи ташкилотлар - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;<br>банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;<br>нотижорат ташкилотлар - давлат органлари ва муассасаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;<br>нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;<br>якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалилари ва бошқа субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳамда бу борадаги тартиб-таомилларни янада соддалаштириш назарда тутилади. |
| **1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш** | | | | | | |
| 10. | Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида барча давлат органларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш. | 2018 йил 5 апрель | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Вилоят Адлия бошқармаси, корхона ва ташкилотлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклиф бериш.<br>Таклифларда:<br>давлат органларида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш;<br>давлат органлари фаолиятининг янада халқчил ва демократик бўлишини таъминлаш чоралари;<br>давлат органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш, жисмоний ва юридик шахслар - |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мурожаат этувчиларни эшитишда иштирок этиш;<br>давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари назарда тутилади. |
| 11. | Олий Мажлис палаталари ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш механизмларини такомиллаштириш. | 2018 йил 20 сентябрь | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят Адлия бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада фуқаролар, ўқувчи ва талабаларнинг Олий Мажлис палаталари ва халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида монеликсиз иштирок этиш имкониятлари назарда тутилади. |
| 12. | Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини қабул қилиш. | 2018 йил 23 март | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш, фуқароларнинг мурожаатларини, уларда кўтарилган муаммоларни жойида ҳал этишда давлат органлари раҳбарлари томонидан қай даражада муносабат билдирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими | | | |
| 13. | Давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш. | 2018 йил 10 сентябрь | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят Молия бош бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Адлия бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада давлат органларининг веб-сайтларига улар томонидан амалга оширилаётган бюджет харажатлари ҳақида тўлиқ маълумотларни жойлаштириш мажбурийлиги назарда тутилади. |
| 14. | Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнини такомиллаштириш. | 2018 йил 10 июль | А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят Адлия бошқармаси, | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф бериш.<br>Лойиҳада фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида сайловчиларнинг сайловда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, маҳалла раислигига номзодлар кўрсатишда ошкоралик ва |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими | | | шаффофликни таъминлаш механизмлари назарда тутилади. |
| **II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | |
| **2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш** | | | | | | |
| 15. | Судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 март | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Судлари, вилоят Адлия бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Бунда:<br>судьялик лавозимига тайинланаётган номзод бўйича туман ва шаҳар жамоатчилиги фикрини ўрганиш тартибини жорий қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялик лавозимларига тайинлаш, шунингдек, Конституциявий суд ва Олий суд судьясини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун тақдимнома киритиш тартиби такомиллаштирилиб, судьялик лавозимида бўлиш муддатининг кетма-кетлигига риоя этмаган ҳолда тайинлаш (тақдимнома киритиш) асослари назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Терговга қадар текширув, суриштирув ва терговнинг ҳар томонлама ҳамда холисона юритилишини, муайян ишлар юзасидан қарорлар қабул қилишда судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган қўшимча ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил 25 март | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Прокуратураси, вилоят Судлари, вилоят ИИБ, вилоят Адлия бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Бунда:<br>терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ёки суд фаолиятига ҳар қандай кўринишда, турли хил тарзда аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда бундай қилмишлар учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилади. |
| 17. | Судлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг тузилмасини бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 июль | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Судлари, Молия бош бошқармаси | Ҳисоб-китобларга асосан | Ажратилган бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Таклифда:<br>иш ҳажми ва юкламасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати тузилмасини такомиллаштириш, жумладан:<br>Олий суд тузилмасида суд амалиётини таҳлил қилиш ва қонунчилик бошқармасини ташкил этиш;<br>Олий суд судьяси ёрдамчиси лавозими ва штат бирликларини жорий этиш;<br>вилоят ва туман (шаҳар) судлари тизимини мақбуллаштириш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш** | | | | | | |
| 18. | Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида паспорт тизими қоидаларини соддалаштириш юзасидан ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар тайёрлаш ва белгиланган тартибда киритиш. | 2018 йил 10 март | М.Омонов<br>Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари,<br>вилоят Адлия бошқармаси,<br>вилоят Прокуратураси,<br>вилоят ИИБ,<br>Бандлик Бош бошқармаси | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар киритиш.<br>Таклифларда:<br>мавсумий ишларга жалб қилинганларни вақтинчалик рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, улар учун уй-жой ижараси, уй-жойдан текин фойдаланиш битимини тузиш талабини бекор қилиш;<br>фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйганлик учун жавобгарликни енгиллаштириш;<br>паспорт олиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва бошқа конституциявий ҳуқуқларни амалга оширищда прописка билан боғлиқ чекловларни бартараф қилиш назарда тутилади. |
| 19. | Шахсий маълумотларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларни ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида **“Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар тайёрлаш ва киритиш. | 2018 йил 1 декабрь | М.Омонов<br>Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари,<br>Вилоят ИИБ,<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси,<br>вилоят Адлия бошқармаси, | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Лойиҳада “Электрон ҳукумат” тизими ривожланиши муносабати билан жисмоний шахсларга оид маълумотлар билан ишлаш жараёнида улар ошкор қилинишининг олдини олиш, шахсий ва оилавий сир дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вилоят Прокуратураси | | | |
| **2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш** | | | | | | |
| 20. | Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳкумларни жамият ҳаётига мослаштириш тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 10 апрель | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, Вилоят ИИБ, Бандлик Бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят Адлия бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Лойиҳага таклифларда:<br>озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқиш тизимини жорий этиш;<br>озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга хусусий секторни ҳамда уларни иш билан таъминлашга жамоатчиликни кенг жалб этиш назарда тутилиши лозим. |
| 21. | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик ва адолатни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутувчи **“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар тайёрлаш ва | 2018 йил 1 октябрь | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, А.Шерматов Вилоят ҳокимлиги, вилоят Прокуратураси, вилоят ИИБ Адлия бошқармаси, Божхона бошқармаси, Давлат солиқ | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Таклифларда:<br>ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш;<br>ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг ваколат ва вазифалари чегарасини аниқ белгилаш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | киритиш. | | бошқармаси | | | мазкур органларнинг ўзаро ваколатлар ва функциялар такрорланишини бартараф этишга, “ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати”га оид нормалар назарда тутилади. |
| 22. | Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича нормативҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 апрел | М.Омонов<br>Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари,<br>вилоят Прокуратураси,<br>вилоят ИИБ<br>Адлия бошқармаси,<br>Божхона бошқармаси,<br>Давлат солиқ бошқармаси | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Таклифларда:<br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;<br>дастлабки терговда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида коррупцияга оид жиноят ишларининг терговга тааллуқлилиги масаласини қайта кўриб чиқиш;<br>жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;<br>таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар;<br>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;<br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик масалалари назарда тутилади. |
| 23. | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган **“Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил 10 июль | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, Вилоят ИИБ, вилоят Прокуратураси, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят Судлари | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар. Таклифларда: маъмурий назорат ўрнатиш зарурати жиноий қилмишнинг ва уни содир этган шахснинг реал ижтимоий хавфлилиги мезонларига асосланиши; қонун нормаларини амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг таснифига мослаштириш назарда тутилади. |
| 24. | Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида **“Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисида”ги** Ўзбекисон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил 1 октябрь | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Адлия бошқармаси вилоят ИИБ, вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш. Таклифларда эр-хотинлар, болалар, ота-оналар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш тартиби ва никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа муносабатларни тартибга солиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Хотин-қизлар қўмитаси | | | |
| 25. | **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш. | 2018 йил 10 февраль | М.Омонов вилоят ҳокимлиги юридик хизмати, А.Курахмедов Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Ҳудудий Комплекс чора-тадбирлар режаси.<br>Режада «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг 2019 йилдан эътиборан кучга киришини инобатга олган ҳолда:<br>Вилоят бошқарма ва ташкилотлари ходимлари қонун талабларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш;<br>Вилоят бошқарма ва ташкилотлари маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини қайта кўриб чиқиш тадбирлари назарда тутилади. |
| **2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | |
| 26. | Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижроси учун масъул ҳисобланган пробация хизматини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 ноябрь | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, вилоят Прокуратураси, Бандлик Бош бошқармаси, вилоят Судлари, Адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, вилоят Хотин-қизлар | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар.<br>Таклифларда:<br>озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, шу жумладан шартли ҳукм қилинган маҳкумларни қайта тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;<br>пробация хизмати шахсий таркибини мавжуд штат бирликлари ҳисобидан шакллантириш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | қўмитаси | | | |
| 27. | Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятининг очиқ ва шаффоф механизмларини жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил 30 сентябрь | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, Молия бош бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари, ИИВнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Ҳудудий Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш |
| 28. | Ички ишлар органларининг мавжуд куч ва воситаларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда мувофиқлаштирилган самарали тизимни яратиш мақсадида қуйи турувчи бўлинмаларнинг бевосита жойларда амалга оширувчи ташкилий-штат тузилмаларини кучайтириш. | 2018 йил 1 июль | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, Молия бош бошқармаси, | Ҳисоб-китобларга асосан | Ажратилган бюджет маблағлари доирасида | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Лойиҳа билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда ички ишлар органлари бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг самарали тизимини эксперимент тариқасида вилоят марказларининг ички ишлар бўлимлари негизида ташкил этиш назарда тутилади. |
| 29. | Ички ишлар органларини жамоатчилик ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган ҳақиқий халқчил хизматга айлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2018 йил 20 март | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, вилоят Прокуратураси, «Маҳалла» хайрия | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Таклифлар:<br>Тошкент шаҳри мисолида пойтахтнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси | | | жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасининг таъсирчан механизмларини жорий этиш;<br>ички ишлар органларининг асосий куч ва воситаларини жойларга йўналтириш;<br>ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйиш назарда тутилган ҳолда тайёрланади. |
| 30. | Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. | 2018 йил 20 сентябрь | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, вилоят Прокуратураси, | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф киритиш.<br>Лойиҳада:<br>фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш хусусиятлари;<br>жамоат тартибини сақлашда ихтиёрий иштирок этишнинг шакллари, соҳалари, ваколатлар ва чекловлар;<br>аҳолининг жамоат тартибини сақлашдаги фаол ва самарали иштирокини рағбатлантириш турлари ва асослари назарда тутилади. |
| **2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш** | | | | | | |
| 31. | Жиноят ишини кўриб чиқишнинг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, процессуал ҳужжатларни | 2018 йил 10 декабрь | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, | Ҳисоб-китобларга асосан | Ижрочилар маблағлари, Ахборот-коммуникация | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Таклифда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | расмийлаштиришни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш. | | вилоят Прокуратураси, вилоят Судлари, вилоят ИИБ, Адлия бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вилоят бошқармаси | | технологияларини ривожлантириш жамғармаси | Лойиҳада жиноятни рўйхатга олиш ва тергов қилишдан то ҳукмни ижро этишгача бўлган жараённи ўз ичига олувчи «электрон жиноят иши» тизими босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади. |
| 32. | Суд экспертизаси фаолиятини такомиллаштириш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини юқори даражада илмий-техник ва инновацион жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, шу жумладан суд экспертизасининг янги турлари ва инновацион технологияларни жорий этиш. | 2018 йил 2 сентябрь | вилоят Адлия М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, бошқармаси, вилоят Прокуратураси вилоят ИИБ, вилоят Судлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Ижрочилар маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклифлар.<br>Лойиҳага таклифларда:<br>халқаро стандартлар асосида суд экспертизаси фаолиятини такомиллаштириш («ISO/IEC 17025» стандартини жорий этиш);<br>суд экспертизасини ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилиш бўйича идораларaро электрон тизимини ишлаб чиқиш;<br>суд экспертиза марказлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;<br>суд экспертизасининг янги турларини жорий қилиш назарда тутилади. |
| **2.6. Ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | |
| 33. | Адвокатура тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, | 2018 йил 10 апрель | М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар.<br>Таклифларда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | мустақиллигини таъминлаш ва уларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | | раҳбари,<br>вилоят Адлия бошқармаси,<br>Молия бош бошқармаси,<br>Давлат солиқ бошқармаси,<br>вилоят Адвокатлар палатаси | | | тадбиркорлик субъектларига юридик маслаҳат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида лицензиялаш талаб қилинмайдиган тижорат ташкилотлари сифатида юридик консалтинг ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш;<br>адвокатларга солиқ юкини мақбуллаштириш мақсадида ягона ижтимоий тўлов ставкаси ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини камайтириш;<br>адвокатлар давлат идоралари, корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига рухсат бериш назарда тутилади. |
| 34. | Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш. | 2018 йил 10 февраль | М.Омонов<br>Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари,<br>Вилоят прокуратураси,<br>Вилоят адлия бошқармаси,<br>Вилоят телерадиокомпанияси<br>вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси,<br>вилоят Халқ таълими | - | - | Идоравий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш;<br>ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, вилоят ИИБ, вилоят бошқарма ва ташкилотлари | | | фуқароларда юз бераётган, айниқса жамоатчиликнинг юқори қизиқишини уйғотган воқеаларнинг моҳияти бўйича холис фикрни шакллантириш ҳамда нотўғри маълумотлардан бузғунчи ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун аҳолини бундай ҳодисалар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;<br>фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишининг долзарб вазифаларини ҳал этишга жамиятнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини сафарбар этиш масалалари назарда тутилади. |
| **III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | |
| **3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш** | | | | | | |
| 35. | 2018 йилда ЯҲМ ҳажми 19,3 трлн. сўмга етказилиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга эришиш.<br>Жумладан:<br>9,8 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 107,5 фоизга;<br>6,3 трлн. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 110,5 фоизга; | 2018 йилда | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят Молия бош бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тегишли вилоят бошқарма ва | Ҳисоб китоблар асосида | Республика бюджети маблағлари, Маҳаллий бюджет маблағлари Тадбиркорларнинг ўз маблағлари, Тижорат банклари кредит маблағлари | Мазкур макроиқтисодий кўрсаткичлар ижроси таъминланиши ҳисобига:<br>саноат махсулотлари ҳажми 7,5 фоизга;<br>истеъмол товарлари ҳажми 10,5 фоизга;<br>хизмат кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга;<br>пудрат ишлари 13,5 фоизга;<br>қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1,4 мартага ошиб;<br>қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари- |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 3,9 трлн. сўмлик инвестициялар жалб этилиб, ўсиш суръати 111,2 фоизга;<br>2,9 трлн. сўмлик қурилиш пудрат ишлари амалга оширилиб, 113,5 фоизга;<br>9,8 трлн. сўмлик чакана савдо айланмаси амалга оширилиб, 114,0 фоизга;<br>7,6 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўсиш суръати 112,2 фоизга таъминланиши прогноз қилиб белгиланди.<br>Иқтисодиётда банд аҳоли сони 2018 йилда 1594,3 минг кишига етказиш ва 2017 йилга нисбатан 3,5 фоизга ўсиш суръатини таъминлаш чораларини кўриш. | | ташкилотлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | ни қайта ишлаш ҳажми 43 фоизга етказилади.<br>Шунингдек, аҳолининг ишсизлик даражаси 2017 йилдаги 5,7 фоиздан 2018 йилда 5,6 фоизгача камаяди. |
| 36. | Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва уни ривожлантиришнинг ўрта муддатли Концепциясини ҳамда 2018 — 2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш бўйича «йўл харита»сини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Республика Марказий Банкига тақдим этиш | 2018 йил 1 июнь | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига ҳамда лойиҳа билан тасдиқланадиган концепция ва «йўл харитаси»га таклифлар тайёрлаш.<br>Таклифда:<br>Концепция ва «йўл харитаси»да пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг усул ва механизмларини халқаро тажриба ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, хусусан:умумиқтисодий, солиқ- |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг балансслашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;<br>ликвидликни бошқариш операциялари бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланиладиган фоиз инструментлари турларини кенгайтириш;<br>тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантиришда, шу жумладан, кредитлар бўйича бозор механизмларини кенг жорий этиш;илғор хорижий тажрибага мувофиқ макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашни такомиллаштириш;<br>пул-кредит сиёсатининг, жумладан, қўлланилаётган инструментлар ва якуний мақсадлар тўғрисида ахборот етказиб бериш йўли билан, шаффофлик ва прогноз қилиш имкониятини ошириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. |
| 37. | Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини | 2018 йил 1 август | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар.<br>Таклифда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кучайтириш, банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш, тижорат банклари билан ҳамкорликда жойларда бу борада тарғибот ишларини олиб бориш, ОАВларда материаллар билан чиқиш қилиш | | Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси | | | аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтириш, банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлаш борасида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва зарур шарт-шароит яратиш;<br>«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини танқидий қайта кўриб чиқиб, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ихтисослашган халқаро молия институтлари хулосаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш назарда тутилади. |
| 38. | 2018 йилда мамлакат ички бозорида истеъмол товарлари ва хизматлар бўйича нархларнинг кескин ошишини олдини олиш мақсадида Марказий Банкнинг вилоят Бош бошқармасида ташкил этилган Статистика бўлими томонидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Республика Марказий Банкига тақдим этиб бориш. | 2018 йил 1 март | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари. | - | - | Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси қарорига таклиф тайёрлаш.<br>Таклиф:<br>ички истеъмол бозорига асосий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;<br>истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва бу бўйича тегишли чораларни кўриш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;<br>қишлоқ хўжалик экин майдонларидан (асосий, оралиқ, такрорий) самарали фойдаланиш;<br>мамлакат ички бозорида рақобат муҳитини жонлантириб бориш ва сунъий равишда яратилиши мумкин бўлган тақчилликларнинг олдини олиш назарда тутилади. |
| 39. | Валюта сиёсатининг иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, бизнес ва инвестициявий муҳитни яхшилашдаги ролини ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан сўровномалар ўтказиш ҳамда ўтказилган сўровномалар натижаларини ва хулосаларини умумлаштириб, янги таҳрирда **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги** қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Марказий Банкка таклиф тайёрлаш. | 2018 йил 30 август | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, вилоят Адлия бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, тижорат банклари | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф.<br>Таклифда:<br>халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида ҳамда тадбиркорлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш;<br>ҳаволаки нормаларни максимал даражада қисқартирган ҳолда валюта операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш;<br>жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатлари;<br>мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш назарда тутилади. |
| 40. | Инновацион технологияларга асосланган, банк хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширувчи янги банк хизмати турларини, хусусан «рақамли банклар»ни, шунингдек, аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш, ҳамда ушбу хизматлар билан аҳолини таништириш. | 2018 йил июнь | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вилоят бошқармаси | - | Тижорат банкларининг кредитлари, ўз маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар бериш. Таклифда: «рақамли банклар» ва аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шу жумладан, уларнинг фаолият юритиш тартиби, лицензия талаб ва шартлари назарда тутилади. |
| 41. | Инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш борасида Марказий Банкка таклиф киритиш. | 2018 йил 1 август | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари. | - | - | Таклифда етакчи хорижий тўлов тизимлари (Visa, Mastercard, Union Pay, PayPal ва бошқалар) билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг фаолият юритиш механизмлари белгиланади. |
| **3.2. Солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш** | | | | | | |
| 42. | Эркин рақобат муҳитини яратиш, нархларнинг барқарорлиги ва | 2018 йил 15 апрель | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, | - | - | Имтиёзлар беришнинг шартлари ва мезонларини белгилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, вилоят |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида имтиёзларни индивидуал тартибда бериш амалиётидан воз кечиш, уларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари учун жорий этиш. | | Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Божхона бошқармаси, Адлия бошқармаси, Рақобат бошқармаси, Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси | | | ҳокимлигига юбориш. |
| 43. | Солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш. | 2018 йил 15 ноябрь | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш;<br>кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш назарда тутилганлигидан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлигига таклифларини юбориш. |
| 44. | Кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи | 2018 йил 1 июл | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Вилоят Давлат солиқ бошқармаси, Молия бош | - | - | Ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига қуйидагиларни:<br>ишчилар сонини ошираётган, тез суръатлар билан ривожланаётган кичик корхоналарни йирик |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тизим жорий этиш. | | бошқармаси, | | | корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантиришни назарда тутувчи механизмларни жорий этиш назарда тутилганлигидан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этиш. |
| 45. | “Ургут” ЭИЗ иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида Ургут туманида “Самарқанд” ТИФ постининг “Ургут” божхона пунктини ташкил этиш. | 2018 йил февраль-март ойлари | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Вилоят божхона бошқармаси | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Қулай маъмурий бинони танлаш, уни жихозлаш, оптик толали кабель орқали Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига уланиш чораларини кўриш.<br>ЭИЗ қатнашчилари томонидан божхонага мурожаат этилганда, божхона расмийлаштируви тезкорлик билан амалга оширилади. |
| 46. | Тадбиркорлик субъектларига катта миқдордаги божхона тўловларини тўлаганда қулайлик яратиш мақсадида, қонун ҳужжатларига асосан таъминлов суммалари шарти билан уларни тўлаш муддатини 60 кунгача кечиктириш имкониятини тақдим этиш.<br>Экспорт қилувчи маҳаллий корхоналарга ушбу муддатни 90 кунгача узайтириш. | 2018 йил давомида | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Вилоят божхона бошқармаси | - | - | Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларидан мурожаатлар келиб тушганда, ушбу имконни тақдим этиш.<br>Молиявий қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун божхона тўловларини тўланишида қулай имкониятлар яратилади ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиниб, белгиланган экспорт прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида бажарилиши таъминланади. |
| **3.3. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш** | | | | | | |
| 47. | 2018 йилда саноат соҳасида умумий қиймати 2 265,3 млрд. сўмлик 150 та | 2018 йилда | У.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, | 2963 млрд.сўм | Тадбиркорлар маблағлари, тижорат банки | 2018 йилда кўзда тутилган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | йирик лойиҳалар фойдаланишга топширилади, шу жумладан:<br>Озиқ-овқат саноати соҳасида 122,2 млрд. сўмлик 24 та лойиҳа;<br>Кимё ва электротехника саноатида хом ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 193,4 млрд. сўмлик 15 та лойиҳа;<br>Тўқимачилик ва тикувчилик, трикатаж саноатида 993,5 млрд. сўмлик 37 та лойиҳа;<br>Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 130,0 млрд. сўмлик 15 та лойиҳа;<br>фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 425,6 млрд. сўмлик 9 та лойиҳа;<br>қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 110,5 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа;<br>Бошқа саноат тармоқларида 290,3 млрд. сўмлик 32 та лойиҳаларни | | Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, вилоят Рақобат бошқармаси, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | кредитлари | Лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳисобига 1 951,3 млрд.сўмлик қўшима маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 16,5 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади ва 6621 та янги иш ўринлари яратилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | амалга ошириш. | | | | | |
| 48. | 2018 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида умумий қиймати 272,8 млрд. сўмлик 756 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, шу жумладан:<br>Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари соҳасида 4,8 млрд. сўмлик жами 26 та лойиҳа;<br>Молиявий хизматлар соҳасида 1,5 млрд. сўмлик жами 5 та лойиҳа;<br>Транспорт хизматлари соҳасида 42,3 млрд. сўмлик жами 69 та лойиҳа;<br>Яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида 28,0 млрд. сўмлик жами 85 та лойиҳа;<br>Савдо хизматлари соҳасида 96,7 млрд. сўмлик жами 267 та лойиҳа;<br>Таълим хизматлари соҳасида 760,0 млн. сўмлик жами 4 та лойиҳа;<br>Соғлиқни сақлаш соҳасида 19,7 млрд. сўмлик жами 31 та лойиҳа;<br>Маиший хизматлар | 2018 йилда | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, вилоят Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, вилоят Архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 272,8 млрд. сўм | Тадбиркорлар маблағлари, тижорат банки кредитлари | 2018 йилда кўзда тутилган қувватларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.<br>Лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳисобига 51,0 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 3461 та янги иш ўринлари яратилади.<br>Хизматлар бозорида янги хизмат турлари жорий этилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | соҳасида 16,1 млрд. сўмлик жами 95 та лойиҳа;<br>Бошқа хизматлар соҳасида 63,0 млрд. сўмлик жами 174 та лойиҳалар амалга ошириш. | | | | | |
| 49. | Инвестиция мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қийматида берилган объектларда инвестиция мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш. | 2018 йил давомида | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ҳудудий танлов комиссияси аъзолари, вилоят Рақобат бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Бўш турган 18 та объектни инвестиция мажбуриятлари билан “нол” қийматда сотиш бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига асосан, жами 49 402,9 млн. сўм ва 11,0 млн. доллар | Инвесторларнинг 49 402,9 млн. сўм ва 11,0 млн. доллар маблағлари | Инвестиция мажбуриятлари бажарилишини чораклик монитиронг қилиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келган муаммоларнинг тезкор ҳал этилиши таъминлаш.<br>Натижада, инвестиция мажбуриятлари эвазига “нол” қийматда берилган бўш турган объектлар негизида 2018 йилда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ташкил этилиб, 1641 та янги иш ўринлари яратилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 50. | Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфратузилмани шакллантириш, амалга ошириладиган диний маросимлар учун тегишли шароитларни яратиш орқали зиёрат туризмини соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш. | 2018 йил 10 апрель | М.Восеев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Самарқанд стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” ДК | - | - | “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланадиган чора-тадбирлар режасига таклифлар киритиш.<br>Режада:<br>зиёрат туризми бўйича хизмат кўрсатиш объектлари томонидан қўлланиладиган стандартларни қабул қилиш, сайёҳларни кенг жалб қилиш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш, зиёратчилар учун хизмат кўрсатишнинг мақбул турларини жорий этиш;<br>зиёрат туризмига сайёҳларни жалб қилиш борасида янги маршрутларни ишлаб чиқиш ва тарғибот қилиш назарда тутилади. |
| 51. | Туризм салоҳияти (маданий мерос объектлари, музейлар, дам олиш ва кўнгил очар масканлари, истироҳат боғлари, меҳмонхоналар, овқатланиш воситалари, йўл бўйи инфратузилмалар, замонавий санитария-гигена узеллари) акс эттирилган вилоят, туманлар ва шаҳарлар паспортини ишлаб чиқиш. | 2018 йил июнь | М.Восеев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси, Архитектура бош бошқармаси, вилоят ДСНЭМ, Маданият бошқармаси, Давлат музейи-қўриқхонаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш:<br>Чора тадбирлар дастурида Паспорт намунаси ишлаб чиқиш, шаҳар ва ҳокимларнинг фармойиши тасдиқлаш, ишчи гуруҳларни шакллантириш, Ҳар бир туман ва шаҳарнинг туристик салоҳиятини тахлил қилиш ва паспортларни ишлаб чиқиш;<br>ҳар бир шаҳар ва туманнинг саёҳлик жозибадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;<br>Паспорт ишлаб чиқилиши натижасида ҳар бир ҳудуднинг саёҳлик салоҳияти даражаси ва |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мавжуд камчиликлар аниқланади. |
| 52. | Қўшработ, Ургут ва Самарқанд туманлари ҳудудида 25 та уй-меҳмонхоналари ташкил этиш. | 2018 йил декабрь | М.Восеев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси, Тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ва хорижий инвесторлар, Қўшработ, Ургут ва Самарқанд туманлари ҳокимликлари | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида | Ижрочилар маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | Лойиҳа смета ҳужжатлари асосида: Туман ҳокимликлари томонидан (зарурат бўлганда) ер майдонлари ажратиш тўғрисида қарор чиқарилади, ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланади, жадвал асосида қурилиш пудрат ишлари амалга оширилиб, уй-меҳмонхоналари ишга туширилади. *(Уй-меҳмонхоналари ташкил этиш орқали туманларнинг чекка ҳудудларида янги иш ўринлари ташкил этилади. Туристлар оқими кенгаяди. Натижада маҳаллий аҳоли томонидан кўрсатиладиган турли хизматлар ҳисобига аҳоли даромадлари ошади).* |
| 53. | Самарқанд шаҳрининг сайёҳлар гавжум (вокзал, аэропорт, тарихий обидалар ва б.) жойларда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи туристик информацион марказлар ташкил этиш. | 2018 йил май | М.Восеев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектлари | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида | Ижрочилар маблағлари, тижорат банклари кредитлари | Чора-тадбирлар дастурига асосан Туристик ахборот маркази концепцияси ишлаб чиқилади, лойиҳа смета ҳужжатлари тузилади, давлат ва хусусий сектор тамойили асосида ташаббускор билан шартнома тузилади, Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилади, туристик ахборот маркази ташкил этилиб, фаолиятини бошлайди. *(Туристик ахборот марказини ташкил этиш орқали, Самарқандга келаётган сайёҳларга турли масалаларда ёрдам бериш, хизматлар* |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | *бўйича маълумотлар бериш, уларни вилоятнинг туристик салоҳиятини билан таништириш амалга оширилади. Дунёнинг ҳар бир йирик туристик шаҳрида ўнлаб шундай марказлар ташкил этилган бўлиб, улар сайёҳларни жалб қилишнинг бир инструменти ҳисобланади.)* |
| **3.4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш** | | | | | | |
| 54. | Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар ҳажмини янада кенгайтириш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш. | 2018 йил 10 апрель | К.Қурбонов вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, туманлар ҳокимликлари | - | Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Тижорат банклари кредитлари | Чора-тадбирлар дастури.Дастурда: ҳудудлар кесимида сув тежовчи технологиялар (томчилатиб суғориш, плёнка тўшаб суғориш, эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш, сувни йиғиш хусусиятига эга бўлган геллардан фойдаланиш) жорий қилинадиган майдонларнинг прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш; сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ресурслар билан таъминлаш назарда тутилади |
| 55. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича 775 км.ли 29 лойиҳани амалга ошириш. | Йил давомида | К.Қурбонов вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, туман ҳокимликлари, лойиҳа институтлари | 27,7 млрд. сўм | Давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br><br>Натижада 18 680 минг гектар экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг барқарорлиги ва сизот сувлари сатҳининг белгиланган меъёрда бўлиши таъминланади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 56. | 2018 йилда умумий қиймати 822,0 млрд. сўмлик 193 та қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, шу жумладан:<br>Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида102,6 млрд. сўмлик жами 63 та лойиҳалар;<br>Паррандачиликни ривожлантириш соҳасида 87,6 млрд. сўмлик жами 20 та лойиҳалар;<br>Балиқчилик соҳасида 5,0 млрд. сўмлик жами 15 та лойиҳалар;<br>Қуёнчиликни ривожланти-риш соҳасида 4,1 млрд. сўмлик жами 3 та лойиҳалар;<br>Асаларичилик ривожлантириш соҳасида 455 млн. сўмлик жами 6 та лойиҳалар;<br>Боғдорчилик ривожланти-риш соҳасида 203,6 млрд. сўмлик жами 24 та лойиҳа;<br>Узумчиликни ривожлантириш соҳасида 2,0 млрд. сўмлик жами 11 та лойиҳалар; | 2018 йилда | К.Қурбонов вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 822,0 млрд. сўм | Тадбиркорлар маблағлари, тижорат банки кредитлари | 2018 йилда кўзда лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.<br>Лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳисобига 2309 та янги иш ўринлари яратилади.<br>Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланади;<br>Аҳоли томорқа ва деҳқон хўжаликлари мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, янги иш ўринларини шакллантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳамда турмуш даражасини яхшилашга эришилади.<br>Менва-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 103,2 минг тоннага етади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Иссиқхоналар ташкил этиш соҳасида 187,5 млрд. сўмлик жами 32 та лойиҳалар;<br>Музлаткичли омборхоналар ташкил этиш соҳасида 67,5 млрд. сўмлик жами 17 та лойиҳаларни амалга ошириш. | | | | | |
| 57. | Инновацион технология-лар асосида умумий қиймати 127 млрд. сўмлик 7 та лойиҳа амалга оширилади:<br>- гидропоника усулида 2 та интенсив иссиқхоналар ташкил этилади;<br>-“Инвитро” фитропатология лабараторияси ва иссиқхона ташкил қилиниб, йилига 500 минг дона ёнғоқ, шафтоли ва бошқа мевали кўчатларни етиштириш бўйича 1 та лойиҳа амалга оширилади;<br>- қуёш панеллари ёрдамида электроинергия ишлаб чиқилиб томчилатиб суғориш технологияси асосида 500 гектар ёнғоқзор барпо этилади.<br>- лалми майдонларга ёмғирлатиб суғориш | 2018 йилда | К.Қурбонов вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тижорат банклари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 127,0 млрд. сўм | Тадбиркорлар маблағлари, тижорат банки кредитлари | Муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўйилади.<br>Унумдорлиги паст, тўлиқ фойдаланилмаётган ерлардан унумли фойдаланишга эришилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | технологиясини жорий қилиш асосида 40 гектар майдонда сабзовотчилик етиштирилиши йўлга қўйилади. | | | | | |
| 58. | Аҳолини экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. | 2018 йил 1 ноябрь | К.Қурбонов вилоят ҳокимининг ўринбосари, Самарқанд стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” ДК | - | - | “Ўзстандарт” агентлигига Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқишда таклифлар киритиш.<br>Лойиҳада қишлоқ хўжалигида генетик жиҳатдан модификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирмаслик ҳамда истеъмол бозорига кириб келиши устидан қатъий назорат ўрнатиш тартибини жорий қилиш, тегишли ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш назарда тутилади. |
| **3.5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш** | | | | | | |
| 59. | Аввал хусусийлаштирил-ган қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш, зарур инвестициялар киритиш, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш жойлари барпо | 2018 йил давомида | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ҳатловдан ўтказиш Идоралараро | 2018 йилга мўлжалланган “Йўл харита”га асосан тасдиқланган 109 та лойиҳа бўйича жами 132 564,0 млн. сўм | Инвесторлар ва лойиҳа ташаббускорларининг 106 000,0 млн. сўм ва 4650,0 минг доллар ўз маблағлари ҳамда 260564,0 млн. сўм ва 21100,0 минг доллар банк кредитлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Идоараларaро комиссия Ишчи органи, яъни вилоят Рақобат бошқармаси Марказий банк бош бошқармаси, вилоят солиқ, меҳнат, савдо-саноат ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритади ва тармоқ жадвалларига мувофиқ ўз вақтида амалга оширилишини |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш. | | комиссияси, Рақобат бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, вилоят Марказий банк бош бошқармаси ҳамда хусусийлаш-тирилган корхона ва объектлар мулкдорлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | ҳамда 25 750,0 минг АҚШ доллари | | таъминлайди.<br>Натижада, хусусийлаштирилган корхоналарнинг бўш ишлаб чиқариш майдонилари негизида 2018 йилда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми 87 322,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2 102 та янги иш ўринлари яратилади. |
| 60. | Миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашуви жараёнини жадаллаштириш. | 2018 йил 1 март | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Самарқанд стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” ДК, вилоят ташкилот ва идоралари | - | - | “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ишлаб чиқарилган чора-дастур асосида, Самарқанд вилоятидаги корхона ва ташкилотларга халқаро стандартлар жорий этиш ишларини жадаллаштириш.<br>Дастурда:<br>экспортни ва туризмни ривожлантириш мақсадида мақбул агрокультура амалиёти (Global G.A.P.), «ҳалол» ва «кошер» стандартларни республикада қабул қилиш;<br>республикада экспорт қилувчи корхоналар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 2018 — 2020 йилларда 1, 5 мингдан ортиқ халқаро стандартларни қабул қилиш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида йил давомида 2 мингдан ортиқ корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш назарда тутилади. |
| 61. | 297 та корхоналарга O'zDSt ISO 9001, 31 та корхоналарга O'zDSt ISO 22000 стандартига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш. | 2018 йил якунига қадар | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” ДК | - | - | Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда замонавий сифатни бошқариш тизимларини жорий этилиши орқали маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ва яроқсиз маҳсулотлар миқдорини “ноль” даражагача деярли камайтириш имкониятини яратиш. |
| 62. | Вилоят ҳудудида бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини ўтказиш. | Ҳар ярим йилда | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят Рақобат бошқармаси, вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ва шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши таъминланади. |
| 63. | Хатловда аниқланган бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимлик ва балансда сақловчилар | Бир йилда бир марта | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бўш турган давлат мулки объектларидан самарали | - | - | Тадбиркорлик субъектларини зарур бино ва иншоотлар билан таъминлаш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги тадбиркорлик фаолияти ташкил этилиб, иш ўринлари яратилиши |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | таклифлари асосида хусусийлаштириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | фойдаланиш бўйича вилоят ҳудудий танлов комиссияси, вилоят Рақобат бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Тегишли бошқармалар | | | таъминланади |
| **3.6. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш** | | | | | | |
| | Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни, жумладан, давлат-хусусий шерикликни кучайтириш орқали тўлиқ амалга ошириш. | 2018 йил 15 октябрь | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Иқтисодиёт Бош бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар.<br>Таклифда:<br>ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилма-сини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш параметрлари;<br>«Ақлли шаҳар», «Ақлли маҳалла», «Ақлли уй» ва «Ақлли ҳокимият» концепцияларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. |
| **IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | |
| **4.1. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш** | | | | | | |
| 64. | Илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол | 2018 йил 15 июнь | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, | - | - | Лойиҳага таклиф бўйича вилоят ҳокимлигининг хати |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш. | | Молия бош бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари | | | |
| 65. | Давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг тегишли стандартларини жорий қилиш. | 2018 йил 15 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш боршқармаси, Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Мактабгача таълим бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 0,6 млрд.сўм | Ажратилган бюджети маблағлари доирасида | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари рўйхатини кенгайтириш, уларни ушбу воситалар билан таъминлаш учун тиббий хулоса тузишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш тартибини соддалаштириш;<br>сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;<br>протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларииишлаб чиқариш бўйича давлат стандартларини жорий қилишга оид чора-тадбирлар назарда тутилади. |
| 66. | Скрининг марказларини жиҳозлаш, дори-дармон ва | 2018 йил 1 ноябрь | А.Умаров вилоят ҳокимининг | Ажратилган маблағлар | Давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тиббиёт учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, жумладан ҳар бир туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига скрининг текширувларини ўтказиш учун 18 та юқори технологияли УЗД сканер аппаратларини етказиш. | | ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси | доирасида | | ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг эрта ногиронлигини аниқлаш чоралари кўрилади; чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш, туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронликнинг олдини олиш таъминланади. |
| 67. | Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган 15 нафар болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси | Ажратилган республика бюджети маблағлари доирасида | Халқаро молия институтлар ва донор мамлакатларнинг грант маблағлари, давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар. Натижада нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган ногирон болаларнинг эшитиш қобилияти тикланади. |
| 68. | **«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф ишлаб чиқиш ва киритиш. | 2018 йил 15 июль | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Мактабгача таълим | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокимлигининг хати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига киритилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази вилоят филиали | | | |
| 69. | Оғир маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Молия бош бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси | 24,8 млрд. сўм | Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Уй-жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи туман ва шаҳарлардаги ўрта ҳисобда 2-5 нафар оилага арзон уй-жойлар 10 йил мобайнида давлат ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқисиз берилади.<br>Ҳар бир тумани ва шаҳардан ўрта ҳисобда 70 тагача оилаларга маиший техника (газ ва электр печлар, холодильниклар, тикув машиналари ва ҳ. к.) ёки бир бошдан қорамол харид қилинади.<br>Оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва уларнинг ҳақини тўлашга маблағ бўлмаган тақдирда ҳар бир туман (шаҳар)дан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оилаларга беғараз ёрдам кўрсатилади. |
| 70. | Соғлиқни сақлаш муассасалари, аввало, оилавий поликлиникалар, шошилинч ва тез тиббий | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш | Ажратилган маблағлар доирасида | Ажратилган бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Республика ҳудудидаги барча давлат даволаш профилактика муассасаларида дори воситалари ва |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ёрдам муассасалари учун дори воситалари ва тиббиётга мўлжалланган буюмлар билан таъминлашни яхшилаш. | | бошқармаси, Молия бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | тиббиётга мўлжалланган буюмлар билан таъминлаш аҳволи яхшиланади. |
| **4.2. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | |
| 71. | Касалликларни олдиндан аниқлаш, уларни масофадан профилактика қилиш имконини берувчи «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббий маълумотлар маркази» концепцияларини мавжуд шароитларга мослаштириш ва татбиқ этиш, тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ва моддий-техника таъминотини яхшилаш. | 2018 йил 1 декабрь | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Кенг тарқалган касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлашнинг илғор ва синалган услубларини жорий қилишни ўз ичига оладиган комплекс чора-тадбирлар;<br>ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, касалликларни барвақт аниқлаш ва масофадан профилактика қилиш тизимларини жорий этиш орқали тиббий хизмат сифатини ошириш чоралари;<br>тиббиёт-даволаш муассасаларида электрон (онлайн) навбат тизимини босқичма-босқич жорий этиш. |
| 72. | Тиббиёт соҳасига хорижий мутахассисларни ва чет эл инвестициясини жалб этиш. | 2018 йил 1 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, | - | - | Чора-тадбирлар режаси.<br>Режада хорижий мутахассисларнинг аниқ сони, уларни тиббиёт соҳасига босқичма-босқич, жумладан узоқ муддат фаолият юритишга жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида хусусий даволаш-профилактика муассасалари ва илғор хорижий тиббиёт муассасалари филиалларини |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Иқтисодиёт бош бошқармаси,<br>ТИВ вилоятдаги вакили,<br>вилоят ИИБ | | | ташкил этиш белгиланади. |
| 73. | Аҳолини арзон нархдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш имконини берувчи Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 142 та ижтимоий дорихоналарини ташкил этиш. | 2018 йил 30 апрель | А.Умаров<br>вилоят ҳокимининг ўринбосари,<br>Соғлиқни сақлаш бошқармаси,<br>Молия бош бошқармаси,<br>Иқтисодиёт бош бошқармаси,<br>Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси,<br>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 35,5 млрд. сўм | Ташаббускорлар маблағлари | Идоравий ҳужжат.<br>Ҳужжатда:<br>ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш, уларни ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари билан таъминлаш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини арзон нархдаги дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;<br>ижтимоий дорихоналар фаолиятида қонун бузилишлар, жумладан нарх-наволар асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида дори воситаларини махсус ҳимоя белгилари билан таъминлаш назарда тутилади. |
| 74. | Барча ҳудудларда ҳомиладор, ёш болали аёллар ва чақалоқларга кўрсатилаётган перинатал ёрдамни такомиллаштириш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш. | Йил давомида | А.Умаров<br>вилоят ҳокимининг ўринбосари,<br>Соғлиқни сақлаш бошқармаси,<br>Молия бош бошқармаси,<br>Иқтисодиёт бош бошқармаси,<br>Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, | 2,5 млн. АҚШ доллари | Халқаро молия институтлари маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 6 та туғруқ бўлимлари негизида туманлараро перинатал марказларни ташкил этиш;<br>марказларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш;<br>скрининг марказларининг фаолиятини такомиллаштириш;<br>барча вилоят перинатал |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | марказларини чақалоқлар кювезлари бўлган реанимобиллар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади. |
| 75. | 43 та қишлоқ оилавий поликлиникасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, туманлар ҳокимликлари | 1,8 млн. АҚШ доллари | Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредит маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Натижада қишлоқ жойларида бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланади. |
| 76. | Шифокорнинг касбий хатосини аниқлашнинг таъсирчан тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш. | 2018 йил 20 март | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, вилоят ИИБ, вилоят прокуратураси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси | - | - | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.<br>Таклифда:<br>ҳар бир тиббиёт муассасасида беморларнинг шифокор касбий хатосидан хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий эксперт гуруҳларини ташкил этиш;<br>тиббиёт ходимларининг хатоси оқибатида етказилган зарар тўғрисида соғлиқни сақлаш органларига хабар қилиш, уларни кўриб чиқиш ва хизмат текширувини ўтказиш тартиби;<br>хатосини ўз вақтида ва ихтиёрий тан олган, етказилган зарарни қоплаган |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | тиббиёт ходимини айрим салбий оқибатлардан озод этиш;<br>тиббиёт ходимлари йўл қўйган хатолар ҳақида жабрланган шахсларга маълумот бериш, уларни ҳисобга олиш ва хатоларнинг олдини олиш тизимини яратиш;<br>бирламчи тиббий ҳужжатларни, жумладан рецептни электрон шаклда тўлдиришни (қўлёзма усулидан тўлиқ воз кечган ҳолда) жорий этиш ва уни тегишли дорихонадаги маълумотлар базасига жойлаштиришни таъминлайдиган ахборот тизимини босқичма-босқич амалга киритиш назарда тутилади. |
| 77. | Илғор хорижий тажриба асосида тиббий суғурта механизмларини босқичма-босқич жорий этиш концепциясига таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш. | 2018 йил 20 март | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси | - | - | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.<br>Таклифда:<br>тиббий суғурта механизмини босқичма-босқич жорий этиш;<br>фуқаронинг тиббий ва профилактика хизматларига бўлган ҳуқуқлари тенглигини, суғурта полисларига асосан сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кафолатини таъминлаш;<br>тиббий ва профилактика хизматлари нархлари, суғурта мукофоти ва мажбурияти, суғурта товони миқдори, |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | уларни ҳисоблаш ва тўловни амалга оширишни тартибга солиш механизмлари;<br>тиббий суғурта жамғармасини тузиш, унинг маблағларини шакллантириш манбалари, жамғарма маблағларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби назарда тутилади. |
| 78. | Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 47,1 млрд.сўм | Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда ривожланиш давлат дастурларига киритилган даволаш-профилактика муассасалари объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилади ҳамда давлат экспертизасидан ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотлари аниқланади. |
| 79. | Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг санитария-гигиена лабораторияларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ДСЭНМ, Молия бош бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси | 1 млн. АҚШ доллари | Ислом тараққиёт банкининг кредит маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, ушбу муассасалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланади. |
| 80. | «Тоза ҳудуд» давлат | Йил | А.Умаров | 8,4 млрд.сум | Давлат бюджети | Амалий чора-тадбирлар. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | унитар корхонаси орқали қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, жойлаштириш ва кўмиш ишлари тизимини такомиллаштириш. | давомида | вилоят ҳокимининг ўринбосари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси | | маблағлари | Бунда 31 дона чиқинди ташувчи махсус техника харид қилиш, 3 та мавжуд қаттиқ маиший чиқинди полигонларини жиҳозлаш ва янгиларини қуриш ҳисобига шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолати яхшиланади. |
| 81. | Соғлиқни сақлаш соҳасида бактериология ва паразитология бўйича мутахассисларнинг билимларини ошириш ва юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлаш бўйича Жанубий Кореяда малака оширишни ташкил этиш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ДСЭНМ, ТИВ вилоятдаги вакили, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси | Ҳисоб китоблар асосида | KOICA гранти асосида | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мутахассисларни танлаш ва юбориш бўйича режа тайёрланади ҳамда амалга оширилади.<br>Янги асбоб-ускуналар билан ишлаш бўйича янги техник кўрсатмалар тайёрланади. |
| 82. | Миллий эмлаш жадвалини такомиллаштириш ва эмлаш учун янги вакциналарни (шол касаллиги ва бачадон бўйни саратонига қарши) татбиқ этиш. | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси | Ҳисоб китоблар асосида | Халқаро молия институтларининг грант маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида бошқариладиган юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик таъминланади. |
| 83. | ОИВ инфекциясини даволаш ва махсус профилактикаси учун ретровирусга қарши | Йил давомида | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш | 419 минг АҚШ доллари | Давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>ОИВ инфекциясига чалинган беморларнинг умрини узайтириш ва турмуш даражасини яхшилаш |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | препаратлар билан таъминлаш. | | бошқармаси, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази вилоят бўлими | | | мақсадида улар ретровирусга қарши махсус дори воситалари билан таъминланади. |
| 84. | Фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатиш, шу жумладан руҳий-асаб касалликларни профилактика қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят прокуратураси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, ТИВ вилоятдаги вакили, Ички ишлар бошқармаси | - | - | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.<br>Таклифда:<br>аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш;<br>диспансер кузатувида бўлган шахсларнинг электрон реестрини жорий этиш;<br>аҳолининг психиатрик соғломлигини муҳофаза қилишнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш;<br>ҳар йили 5 нафардан кам бўлмаган психиатрия шифокорларини илғор чет эл тиббиёт клиникалари, илмий ва ўқув таълим муассасаларига малака ошириш учун юбориш назарда тутилади. |
| 85. | Аҳоли демографиясини чуқур таҳлил қилиш асосида туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш ва | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (М.Гафурова, А.Умаров), Соғлиқни сақлаш бошқармаси, | Ҳисоб китоблар асосида | Давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда ҳар бир туман кесимида чора-тадбирлар дастури асосида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | бандлигини таъминлаш бўйича тарғибот тадбирларини амалга ошириш. | | «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими | | | |
| | **4.3. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш** | | | | | |
| 86. | Ҳудудларда эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида 233 та янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш.<br>2018 йилда 67 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш. | 2018 йил 1 сентябрь<br>Йил давомида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Умаров, У.Абдуллаев)<br>Мактабгача таълим бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Давлат рақобат бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан<br>97,3 млрд.сум | Ташаббускорлар маблағлари<br>Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Бунда:<br>давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш;<br>мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш назарда тутилади. |
| 87. | Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларининг максимал даражада шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, тест натижаларини тезкор | 2018 йил 30 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Давлат тест маркази вилоят вакили, Олий таълим муассасалари, | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Чора-тадбирлар дастури.<br>Дастурда:<br>олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини бир неча кун давомида ўтказишга;<br>тест синови натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига эълон |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | эълон қилишнинг замонавий механизмлари амалда ижро этилишини таъминлаш. | | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги | | | қилишга;<br>жамоатчилик, жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовларини онлайн режимида кузатиб бориш имкониятини яратишга оид тадбирлар назарда тутилади. |
| 88. | Олий таълим муассасаларига қабул квоталарини 2018-2019 ўқув йилида 2017-2018 ўқув йилига нисбатан камида 20 фоизга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 май | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Молия бош бошқармаси | - | Давлат бюджети маблағлари, тўлов-шартнома маблағлари | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.<br>Таклифда:<br>фуқароларнинг олий таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш;<br>олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тавсияномасини олган абитуриентлар ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ва тегишли сертификатни олган йигитларни ушбу муассасаларга алоҳида квоталар бўйича қабул қилиш назарда тутилади. |
| 89. | Самарқанд вилоятида ривожланган мамлакатларнинг йирик ва энг нуфузли илмий-таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Иқтисодиёт бош | Ҳисоб-китобларга кўра | Давлат бюджети маблағлари, тўлов-шартнома маблағлари, ижрочилар маблағлари | Ривожланган давлатларнинг йирик ва энг нуфузли илмий-таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича чуқур ўрганишлар ўтказилиб, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, ТИВ вакили, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Фанлар академиясининг вилоятдаги аъзоси | | | |
| 90. | Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилган касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. | 2018 йил 30 май | Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, А.Умаров Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Бандлик бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси | Ҳисоб-китобларга асосан | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари, давлат бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>2018 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси тизимидаги касб-ҳунар коллежлари ва касбга тайёрлаш марказларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси тизимига ўтказилган 16 та касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;<br>ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказларида ўқийдиган шахслар сонини кўпайтиришни назарда тутадиган самарали тизимни шакллантириш чоралари кўрилади. |
| 91. | **«Фан тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва | 2018 йил 5 март | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Олий таълим | - | - | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | киритиш. | | муассасалари, вилоят Адлия бошқармаси, мутасадди бошқарма ва ташкилотлар | | | Таклифда:<br>илмий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари;<br>илмий ғоялардан фойдалан?ш имкониятларини кенгайтириш;<br>илмий-тадқиқот муассасаларининг вазифалари ва функциялари, уларни самарали бошқариш, молиялаштириш, моддий-техника таъминоти ва имтиёзлар;<br>халқаро ҳамкорлик ва чет эл инвестицияларини жалб этиш, илмий кадрларга қўйилган замонавий талаблар, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, фан, таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга оид қоидалар назарда тутилади. |
| 92. | **«Инновацион фаолият тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 февраль | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, мутасадди бошқарма ва ташкилотлар | - | - | Таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.<br>Таклифда:<br>инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари;<br>инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;<br>халқаро ҳамкорлик, инновацияларни амалиётга жорий этишга оид қоидалар |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | назарда тутилади. |
| 93. | Ўзбекистон ёшлари хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш. | 2018 йил 10 июнь | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Маданият бошқармаси, ТИВ вилоятдаги вакили, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги | - | - | Самарқанд вилоят ҳокими қарори.<br>Қарор билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>Марказий Осиё форумини ўтказиш бўйича ташкилий тадбирлар;<br>ёшларнинг хорижий тенгдошлари билан бўладиган мулоқотда эътибор қаратиладиган асосий масалалар;<br>форум доирасида ўтказиладиган ҳар бир тадбирнинг режаси, молиялаштириш манбалари назарда тутилади. |
| 94. | «Глобал тадбиркорлик тармоғи»га аъзо бўлиш чораларини кўриш, хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар, ёшлар иштирокида «Глобал тадбиркорлик ҳафталиги» лойиҳасини амалга ошириш. | 2018 йил 30 август | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Ташқи савдо вазирлиги вилоятдаги вакили, ТИВ вилоятдаги вакили, Ички ишлар | 30,0 млн.сўм | Ижрочиларнинг маблағлари | Вилоят ҳокимлиги фармойиши:<br>Фармойишда:<br>лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий тадбирлар;<br>хорижий ва маҳаллий йирик тадбиркорлар иштирокида «Муваффақиятга эришиш сирлари» мавзусида маҳорат дарсларини ташкил этиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси | | | |
| 95. | **«Таълим тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 июль | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, Мактабгача таълим бошқармаси, Адлия бошқармаси, Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар.<br>таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари;<br>нодавлат таълим хизматларини ташкил этиш ва фаолиятни лицензиялаш;<br>таълим тизимида давлат-хусусий шерикчиликнинг асосий қоидалари ва йўналишлари;<br>таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш;<br>таълим жараёнини замонавийлаштиришга оид бошқа қоидалар белгиланади. |
| 96. | Ёшларни касбга тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака | 2018 йил 20 март | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Халқ таълими бошқармаси, Ўрта махсус, Касб-ҳунар таълими бошқармаси, | - | Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига бериладиган касблар |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | талабларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси | | | бўйича замонавий малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган 489 та синфларни жиҳозлаш назарда тутилади. |
| 97. | Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ва ўқитувчиларининг иш вақти меъёрларини қайта кўриб чиқиш асосида ортиқча ҳисоботларни камайтириш, таълимни бошқариш органлари ва раҳбарлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилмаган ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилишга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 июнь | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Халқ таълими бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар.<br>Лойиҳаларда:<br>ўқитувчилар иш вақти меъёрларини белгилашга оид амалдаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш асосида ортиқча қоғозбозлик ва ҳисоботбозликка чек қўйиш;<br>ўқитувчиларнинг ўз устида ижодий ишлаши ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали таълим-тарбия сифатини ошириш учун шарт-шароит назарда тутилади. |
| 98. | Республикадаги 43 та умумий ўрта таълим мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактабларни мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан | 2018 йил 1 март | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ў.Абдуллаев, А.Умаров), Халқ таълими бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош | 60,8 млрд сўм | Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Вилоят ҳокимининг қарори.<br>Қарорда:<br>Лойиҳа билан манзилли дастур тасдиқланиб, қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | таъминлаш. | | бошқармаси | | | |
| 99. | Вилоятни Инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 май | О.Бабаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Инвестициялар бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан вилоятнинг Инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқланади.<br>Стратегияда:<br>мамлакатнинг инновацион тараққиётини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари;<br>республикани технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш;<br>инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш;<br>иқтисодиёт секторларини инновацион ривожлантириш йўллари;<br>устувор йўналишларда фан ва технологияларни ривожлантириш;<br>ҳудудларни барқарор ривожлантириш масалалари назарда тутилади. |
| 100. | Халқ саводхонлигини кўтариш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида миллий бойлик ҳисобланган тилнинг ролини ошириш. | 2018 йил 25 октябрь | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Маданият бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими | - | - | Амалий чора-тадбирлар.<br>Давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларда «оммавий диктант» тадбири ўтказилиб, ўзининг саводхонлик кўрсаткичини аниқлашни хоҳловчи фуқаролар унда ихтиёрий равишда қатнашади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси | | | |
| **4.4. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш** | | | | | | |
| 101. | Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларда яшовчилар ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжи муттасил ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, арзон ва сифатли уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтириш. | 2018 йил 1 апрель | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, «Самарқанд электр тармоқлари» АЖ, “Самарқандгаз” ҳудудий газ таъминот корхонаси, «Ўзбектелеком» АК вилоят филиали, тижорат банклари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга кўра | Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари, Давлат бюджети маблағлари, хўжалик бирлашмалари ўз маблағлари, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Чора-тадбирлар режаси.<br>Режада йил давомида:<br>илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, аҳоли пунктларининг бош режалари, архитектура-қурилиш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таркибий тузилишининг замонавий усулларини қўллаш;<br>2018 йилда арзон уй-жойлар қуриш кўламини 1,5 — 2 баравар кўпайтириш, жумладан, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилалар учун 70 та уй ва кўп қаватли уйларда жойлашган 1524 та хонадон, ҳарбий хизматчилар учун 5 та кўп қаватли уй, профилактика инспекторлари учун 125 та уй ва ҳудуд раҳбарлари учун 84 та уй қуриш назарда тутилади. |
| 102. | Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида **«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги** | 2018 йил 15 ноябрь | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Адлия | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар киритиш.<br>Лойиҳада:<br>уй-жой мулкдорлари ширкатлари соҳасидаги давлат бошқарувини қайта кўриб чиқиш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш. | | бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси | | | уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш;<br>уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этилишидаги масъулиятини ошириш чоралари;<br>уй-жой мулкдорлари ширкатлари молиявий-хўжалик фаолияти ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган механизмлари;<br>умумий мулк объектларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмлар назарда тутилади. |
| 103. | Халқаро молия институтлари иштирокида 2018 йилда Самарқанд шаҳрида ичимлик ва оқова сув тизимини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 1 та йирик лойиҳани амалга ошириш. | 2018 йил 1 апрель | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги | 49,3 млн АҚШ доллари | Халқаро молия институтлари маблағлари, Давлат бюджети маблағлари | Манзилли дастур.<br>Дастурда йил давомида:<br>Самарқанд шаҳрида аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш чораларини кўриш;<br>34,9 км. канализация тармоғи, 1 та сув тарқатиш иншооти ва 3 та насос станциясини қуриш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 104. | Ҳудудлардаги 39 та аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида 170,6 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 31 та ичимлик суви иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш. | 2018 йил 1 апрель | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Лойиҳа институтлари, Иқтисодиёт бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 31,4 млрд.сум | Молия вазирлиги ҳузуридаги «Тоза ичимлик суви» жамғармаси | Манзилли дастур.<br>Дастурда йил давомида:<br>аҳоли пунктларида 170,6 км. ичимлик сув тармоқлари ҳамда 31 та сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш;<br>қишлоқ жойлардаги арзон намунавий уйлар ва шаҳарлардаги арзон кўп қаватли уйлар массивларига 72 км. ичимлик суви тармоқларини қуриш;<br>аҳоли пунктларида 22,2 км. оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилади. |
| 105. | Маҳаллий қозонхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш, кўп қаватли уйларга индивидуал икки контурли қозонлар ўрнатиш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2018 йил 1 апрель | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимнинг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 10,8 млн.сўм<br><br>992,3 млн.сўм<br><br>7,0 млрд.сўм | Марказлашган капитал қўилмалар<br><br>Маҳаллий бюджет маблағлари<br><br>Хусусий уй-жой | Чора-тадбирлар режаси.<br>Режада йил давомида:<br>1 та (РК-1) марказий қозонхонада (93 та кўп қаватли уй-жойлардаги 4601 та хонадонни иссиқлик ва исиқ сув билан таъминловчи)ги 5 дона қозонларни модернизация қилиш.<br><br>4 та маҳаллий қозонхоналарда (Кожевкўная (У.Жўрақулов), Лахутий, Ўзбекистон, Дивизонная)ги 8 та қозонларни модеринизация ва реконструкция қилиш.<br><br>Самарқанд шаҳрида 39 та уй- |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | мулкдорлари ширкатлари ва тижорат банклари ҳамда пудрат ташкилотлари маблағлари | жойлардаги 1742 та хонадонни иссиқлик билан таъминловчи замонавий индивидуал икки контурли қозонлар ўрнатиш. |
| 106. | Аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш. | Йил давомида | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Автомобиль йўллари бошқармаси, Молия бош бошқармаси | 15,2 млрд.сўм | Маҳаллий бюджет маблағлари, Республика йўл жамғармаси маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Ҳудудлардаги 242 км узунликдаги минтақавий автомобиль йўллари таъмирланади. |
| 107. | Аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизматининг сифати ва кўламини ошириш, жумладан янги автобус йўналишларини очиш ва автостанциялар қуриш. | Йил давомида | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси, тижорат банклари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 21,7 млрд. сўм<br><br>1,6 млрд. сўм | Кредит ва лизинг маблағлари, бошқа манбалар | Амалий чора-тадбирлар.<br>Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш доирасида:<br>вилоят бўйича 7 та янги автобус йўналишини очиш;<br>йўловчи ташиш корхоналари томонидан 81 та янги автобус сотиб олиш;<br>Иштихон туманида 1 та автостанция қуриш ва Ургут туманида автостанцияни реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. |
| 108. | Интернет тармоғи ва мобиль алоқа билан тўлиқ қамраб олинмаган аҳоли масканларида зарур алоқа тизимларини ишга тушириш чораларини кўриш. | 2018 йил 1 ноябрь | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш | 983,8 млн. сўм,<br>1,1 млн. АҚШ доллари | «Ўзбектелеком» АК, телекоммуникация операторлари ва кредит маблағлари | Манзилли дастур.<br>Дастур доирасида йил давомида:<br>аҳоли пунктларида 66,2 километр оптик толали алоқа тармоқлари қурилади, Интернетнинг ўтказиш қобилияти 200 Гбит/с га етказилади;<br>80 та таянч мобиль алоқа |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси | | | станциялари ишга туширилади. |
| 109. | Давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида аҳоли яшаши ва дам олиши учун ҳудудларда замонавий ҳамда юқори технологик истироҳат боғларини қуриш ва «яшил ҳудудлар»ни яратиш. | 2018 йил 15 май | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Ижрочилар маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>давлат-хусусий шериклик шартларида ҳудудларда картографик фавворалар, велосипед йўлакчалари, оилавий ҳордиқ учун объектлар қуришга инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиш;<br>«яшил ҳудудлар»ни ташкил этиш, пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, тротуарлар, кўп йиллик дарахтлар экилган хиёбонларни яратиш, атроф табиий муҳит ва сув ресурсларини муҳофазасига оид дастурни тасдиқлаш назарда тутилади. |
| 110. | Энергия тежовчи технологиялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 апрель | Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, «Самарқанд электр | - | - | Ижрочиларнинг қарори билан комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини қисқартириш;<br>энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;<br>муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича тарғибот тадбирлари назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | тармоқлари» АЖ, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | |
| | **4.5. Маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш** | | | | | |
| 111. | Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадрияти бўлмиш маданий ва археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш. | 2018 йил 20 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Маданият бошқармаси, Туризмни ривожлантириш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>барча маданий ва археология мероси объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, муҳофаза теграларини белгилашни якунлаш;<br>маданий мерос объектлари, айниқса, олис ҳудудларда жойлашган, реставрация ва реконструкцияга муҳтож маданий мерос объектларидан давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишни кенгайтириш;<br>маданий мерос объектларини ишончли қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Археологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва археологик топилмаларни сақлаш дастурини тасдиқлаш назарда тутилади. |
| 112. | Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 10 июнь | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Маданият бошқармаси, | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Матбуот ва ахборот бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, мутасадди бошқарма ва ташкилотлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | кўрсатадиган ахборот-кутубхона муассасалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид қоидалар белгиланади. |
| 113. | Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёш қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш. | 2018 йил 10 апрель | М.Ғафурова вилоят ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими | - | Таъсисчилар маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада фонд орқали хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқларда ёш қизларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади. |
| 114. | Оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлаш. | Йил давомида | М.Ғафурова вилоят ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Бандлик бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | 31,4 млн.сўм | Иш берувчилар, банк кредитлари, ҳомийлар маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда ҳудудий дастурлар кесимида 678 нафар ижтимоий шароити оғир хотин-қизларга манзилли ёрдам асосида иш билан таъминланади. |
| 115. | Ногиронлиги бўлган | Йил | М.Ғафурова | - | Давлат бюджети | Амалий чора-тадбирлар. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. | давомида | вилоят ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси,<br>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | маблағлари,<br>ҳомийлар маблағлари | Бунда 60 та янги иш ўринларини яратиш, 255 нафар хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш назарда тутилади.<br>Турар жойга эга бўлмаган ногиронлиги бўлган хотин-қизларни касаначилик асосида ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишлар ташкил этилади, уй-жой, маиший ва бошқа шарт-шароитлар яхшиланади. |
| 116. | Оммавий, миллий ва олимпия спорт турларини, жумладан қишки спорт турларини ривожлантириш орқали аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний тарбия маданиятини ошириш. | 2018 йил 15 апрель | А.Умаров<br>вилоят ҳокимининг ўринбосари,<br>Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси,<br>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими,<br>вилоят Хотин-қизлар қўмитаси,<br>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>оммавий спорт турларини ривожлантириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оммавий спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш;<br>болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари спорт таълими тизимини такомиллаштириш;<br>миллий спорт турлари, халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш;<br>олимпия, айниқса қишки спорт турларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш;<br>иқтидорли ёш спортчиларни саралаш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш;<br>Самарқанд шаҳрида универсал |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | спорт комплексини барпо этиш назарда тутилади. |
| 117. | Барча даражадаги футбол мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишнинг мавжуд тизимини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, соҳадаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш ва халқаро мусобақаларда юқори натижалар қайд этилишига оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>илғор хорижий тажриба асосида футбол соҳасида юқори малакали тренер ва спортчиларни тайёрлаш, футболчилар захирасини ва терма жамоаларни шакллантиришнинг амалдаги тизимини тубдан такомиллаштириш;<br>болалар ўртасидаги футболни ривожлантиришнинг амалдаги тизимини танқидий кўриб чиқиб, футбол бўйича етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, юқори малакали тренер ва мутахассисларни жалб қилиш;<br>чекка ҳудудларда футбол майдонларини кенг миқёсда куришни ташкиллаштириш;<br>ёш иқтидорли футболчиларни саралаш (селекция) тизимини ривожлантириш |
| 118. | Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантириш, спорт муассасалари, айниқса, хусусий спорт ташкилотларида аҳолига | 2018 йил 10 март | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бош бошқармаси, | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | сифатли жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт хизматлари кўрсатилишини таъминлашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. | | Иқтисодиёт бош бошқармаси, Давлат рақобат бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | | | спорт иншоотларининг намунавий штат бирликларини ишлаб чиқиш;<br>спорт иншоотларининг ижара ҳақини белгилаш тартиби;<br>жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида хизмат кўрсатишни, шу жумладан аҳолининг айрим тоифаларига имтиёзли равишда хизмат кўрсатиш назарда тутилади. |
| 119. | Сузиш спорт турларини ривожлантириш чораларини кўриш. | 2018 йил 5 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>сузиш ҳавзаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;<br>сузиш ҳавзаларида ёшлар кесимида соғломлаштириш ва спорт билан шуғулланиш бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш;<br>спортчиларни спорт муассасаларига қабул қилиш мезонларини ишлаб чиқиш;<br>спортчиларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш бўйича назорат-норматив меъёрларни қайта кўриб чиқиш;<br>сузиш ҳавзаларининг санитария-гигиена талаблари асосида фаолият юритиши бўйича тегишли меъёрларни қайта кўриб чиқиш; |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | сузиш ҳавзаларида шуғулланиши учун ҳақ тўлаш ва улардан фойдаланиш тартиби;<br>спорт муассасаси ходимларини ҳамда тренерларни қўшимча рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш назарда тутилади. |
| 120. | Спорт таълими соҳасини ривожлантириш, спортчиларни тайёрлашда замонавий фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда спорт таълими тизимини ислоҳ қилиш. | 2018 йил 25 апрель | А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>олимпия захиралари коллежлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш;<br>олимпия захиралари коллежларини замонавий техника воситалари ва махсус лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш;<br>олимпия захиралари коллежлари илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, таълим жараёнларини замонавий ахборот-услубий материаллар ва ўқув адабиётлар билан таъминлаш;<br>спорт йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **V. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР** | | | | | | |
| **5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар** | | | | | | |
| 121. | Жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш | Йил давомида | А.Шерматов вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, вилоят ИИБ, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларига таклифлар киритиш.<br>Таклиф лойиҳаларида:<br>йирик ижтимоий, сиёсий ва маданий-оммавий тадбирлар, умумхалқ байрамлари (Наврўз, Мустақиллик куни, Ҳайит байрамлари, Конституция куни ва бошқалар)нинг ўтказилиши жараёнларида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилади. |
| 122. | Вилоятда Қуръони карим мусобоқасини ўтказиш | 2018 йил январь-апрель | Ш.Кульматов Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакиллиги, Алия бошқармаси, вилоят ИИБ, туман ва шаҳар ҳокимликлари | - | Ҳомийлар маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>Қуроъни карим мусобақасининг туман ва шаҳар ҳамда вилоят босқичларини юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш;<br>нуфузли уламолар, имом-хатиблар, етакчи қорилардан иборат ҳакамлар ҳайъатини тузиш;<br>мусобақанинг ғолиб ва совриндорларини муносиб тақдирлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 123. | Экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш борасидаги амалий ишларни кучайтириш. | 2018 йил давомида | Ш.Кульматов Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ИИБ, Мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Бандлик бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари | - | - | Терроризм ва диний экстремизмга алоқадор фуқароларни, айниқса, ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш, аҳоли ўртасида зарарли диний ғоялар таъсирига тушиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишларни жадаллаштириш;<br>мазкур ишларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмиталар ва бошқа идоралар томонидан кафилликка олиш институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалиётда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>ушбу тоифадаги шахсларнинг бандлиги, таълим олиши, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтириш. |
| 124. | Жамиятда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат ва бирдамлик вазиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида:<br>«Юрт тинчлиги, Ватан равнақи - олий неъмат»;<br>«Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик - барқарорлик кафолати»;<br>«Қўшничилик муносабатларда ўзаро | 2018 йил II чорак | Ш.Кульматов Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Миллий маданий марказлар, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, «Маҳалла» жамоат фонди вилоят | - | - | Чора-тадбирлар дастури.<br>Тадбирлар ёзувчи ва олимлар, шоир ва диний уламолар, фахрийлар, шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида амалга оширилади.<br>Барча миллат вакиллари ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўналишидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлиш — юртимизда аҳилликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти»; «Инсон манфаатлари — улуғ қадрият» мавзуларида тарғибот тадбирлари ўтказиш. | | бўлими, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази | | | |
| 125. | Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш. | 2018 йил 1 март | А.Шерматов Вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, Марказий ҳарбий округ, Халқ депутатлари вилоят кенгаши (келишув асосида), МХХ (келишув асосида), Миллий гвардия вилоят бўлими, вилоят ИИБ, тегишли корхона ва ташкилотлар | - | - | Дастурда йил давомида:<br>Мудофаа бошқармаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашдаги уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан ташкил қилинган маъмурий ҳарбий сектор фаолиятини жадаллаштириш;<br>унда кенг жамоатчилик кенгаши, хўжалик юритувчи субъектлар ва таълим муассасалари билан ҳудудларда жойлашган Қуролли Кучларнинг қўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлаш;<br>ҳарбий округ қўмондонлиги, маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва бошқа фуқаролик |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | жамияти институтлари билан ҳамкорликда, доимий асосда чақириққа қадар бўлган ёшларни ва ҳарбий хизматчиларни ахлоқий-руҳий, маънавий-маърифий тайёрлаш, шунингдек уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгида содир бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлик ва Ватан тақдири учун жавобгарлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;<br>ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ички таъминотини, уй-жой, тиббий ва ппенсия таъминотини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва жамиятда ҳарбий хизматнинг нуфузи, обрўси оширилишини таъминлайдиган давлат дастурларини руёбга чиқаришнинг бошқа ишлаб чиқилган самарали механизмлари асосида амалга оширилади. |
| 126. | Мудофаа - саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш орқали давлатнинг мудофаа | 2018 йил 20 март | А.Шерматов<br>Вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари,<br>Марказий ҳарбий | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклиф киритиш.<br>Таклиф лойиҳасида: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш. | | округ, МХХ (келишув асосида), ФВБ, ИИБ, Миллий гвардия вилоят бўлими, Молия ва Иқтисодиёт бошқармалари | | | ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва модернизация қилиш соҳасидаги талаб юқори бўлган технологияларни ўзлаштириш;<br>Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган ишлаб чиқарувчи корхоналарни, икки мақсадда қўлланилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашивуни ташкил этишга, шунингдек ушбу корхоналарни ривожлантиришда хорижий ва ички инвестицияларни жалб этиш тадбирларини ташкил этиш.<br>бошқарув кадрларини, илмий, муҳандис-техник ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, иқтисодиётнинг ҳарбий секторидаги меҳнат фаолиятининг жозибадорлигини ошириш бўйича рағбатлантирувчи ижтимоий чора – тадбирлар жорий этиш |
| | **5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар** | | | | | |
| 127. | Маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, вилоятнинг инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш бўйича Ташқи | 2018 йил 20 март | О.Бабаев Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, | - | - | Маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини оширишга, инвестициялар ҳамда туристларни мамлакатимизга жалб илишга кўмаклашишни элчилар фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаш. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли элчихоналари билан ҳамкорликни таъминлаш. бунда:<br>қиймати 346,2 млн. долларлик 50 та хорижий сармоя иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш;<br>Самарқанд вилоятининг инвестиция салоҳияти тўғрисида презинтацион материаллар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли элчихоналарига юбориш;<br>Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли элчихоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлаш. | | Инвестициялар бўйича бошқарма, Ташқи савдо вазирлиги вилоят вакиллиги, Туризмни ривожлантириш бошқармаси | | | |
| 128. | Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя | 2018 йил 30 апрель | О.Бабаев Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ташқи ишлар | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклиф киритиш.<br>Таклифда: |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | қилиш, шу жумладан уларга консуллик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. | | вазирлигининг вилоятдаги вакили, вилоят Прокуратура Адлия бошқармаси, вилоят ИИБ, Давлат солиқ бошқармаси, Молия бош бошқармаси | | | чет элдаги Ўзбекистон фуқароларига консуллик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш назарда тутилади. |
| 129. | Ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш ва тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш. | 2018 йил 1 май | Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят Бандлик бош бошқармаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят бўлими, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | - | Ижрочилар маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш.<br>Таклифда:<br>ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш;<br>хорижий давлатлар билан узоқ ва ўрта муддатли тегишли битимлар тузиш;<br>Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартибини бекор қилиш;<br>Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш;<br>Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консуллик хизматларининг хорижда ишлаётган фуқароларимиз билан доимий алоқада бўлишининг замонавий шаклларини жорий этиш |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | назарда тутилади. |

Изоҳлар:

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг молиялаштириш манбаларига аниқлик киритилиши мумкин.

Давлат бюджети маблағлари деганда марказлашган инвестициялар, бошқарма, идора ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари тушунилади.

Тегишли комиссия билан келишилган ҳолда, Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар шакли заруратга қараб ўзгартирилиши, бошқа бандлардаги ҳужжатлар билан бирлаштирилиши ёки бир неча турдаги ҳужжатларга бўлиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклиф ишлаб чиқиш жараёнида мутасадди бошқарма ва идораларнинг таклифлари асосида Дастурда белгиланган тадбирларнинг мазмунига мос келадиган бошқа масалалар ҳам назарда тутилади.

2018 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари:
2 998,5 млрд. сўм ва 92,8 млн. АҚШ долл.,
Шундан:

| | сўмда | АҚШ долларида |
|---|---|---|
| Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари | 291,0 млрд | 419,0 минг. |
| Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари | 2 682,9 млрд | 26,8 млн |
| Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва беғараз ёрдам | - | 54,6 млн. |
| Инвесторлар | - | 11, 0 млн |
| Уюшмалар | 24,8 млрд | - |